



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУҲИТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВАЗИРЛИГИ**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ АТРОФ-МУҲИТ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИ
ЎРГАНИШ УНИВЕРСИТЕТИ (GREEN UNIVERSITY)**

**“ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН
ИБОРАТ ЭКОЛОГИК ТАРҒИБОТ ГУРУҲЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ВА ЭКОЛОГИК ТАРҒИБОТ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ
ҚЎЛЛАНМА”**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент 2025

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУҲИТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВАЗИРЛИГИ**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ АТРОФ-МУҲИТ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИ
ЎРГАНИШ УНИВЕРСИТЕТИ (GREEN UNIVERSITY)**

**“ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН
ИБОРАТ ЭКОЛОГИК ТАРҒИБОТ ГУРУҲЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ВА ЭКОЛОГИК ТАРҒИБОТ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ
ҚЎЛЛАНМА”**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Марказий Осиё атроф-муҳит
ва иқлим ўзгаришини
ўрганиш университети
(Green University)**



И. Машраблиев

“13” «июнь» 2025 йил

Тошкент 2025

Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари экологик муаммоларни ҳал этишда нафақат хўжалик фаолиятида ресурсларни тежовчи ва экологик тоза технологияларни татбиқ этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш, ҳамда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги ишлар ушбу соҳадаги муаммоларни ҳал этишда етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Бу борада аҳолининг, айниқса ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, ҳар бир инсонда атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, мамлакатнинг ноёб табиатини келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш, экологик ҳолатни яхшилаш ва атроф-муҳитга салбий антропоген таъсирнинг олдини олиш асосий омиллардан саналади.

Шу нуқтаи-назардан қараганда мазкур маъруза матни аҳолининг айниқса, ўсиб келаётган авлодларнинг экологик маданиятини юксалишига кўмаклашади.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4-бет
1. Экологияга оид атамалар ва иборалар луғати	6-бет
2. Экология тарихи ва таърифи.....	10-бет
3. Долзарб экологик муаммолар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари	13-бет
4. Экологик таълим ва тарбия зарурати.....	16-бет
5. Экологик таълим-тарбиянинг самарали усул ва воситалари	17-бет
6. Атроф-муҳит муҳофазаси миллий қонунчиликда.....	19-бет
7. Экологик саналар.....	25-бет

Кириш

Бугунги кунда табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларда мутаносиблик инсоният табиатдан фойдаланишда табиат қонунларига эмас, аксинча шахсий манфаатларига асосланиб фаолият кўрсатиши оқибатида табиатдаги мувозанатнинг сезиларли даражада бузилгани, яъни дунёнинг турли бурчакларида табиий офатлар: сув тошқинлари, зилзилалар, ўрмон ёнғинлари ва бошқа шу каби талофатларнинг рўй бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Инсон табиий муҳитга таъсир этар экан, унинг ўзи ҳам “акс таъсир”га дуч келмоқда. Буларнинг барчаси эндиликда инсоннинг ўзига ва унинг соғлом табиий муҳитда яшашига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Табиат бойликларидан экологик омиллар ҳисобга олинмаган ҳолда фойдаланиш туфайли атроф-муҳитни ифлослантирувчи саноат ва маиший чиқиндиларнинг ҳажми кескин ортиб бораётгани инсоннинг табиатга кўрсатаётган салбий таъсирини кучайтирмоқда. Шунинг учун ҳам XX асрнинг иккинчи ярмида экологияни асраб-авайлаш глобал муаммога айланди. Инсоният цивилизацияси тақдири ҳам худди ана шу муаммони ҳал этишга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолди.

Бугунги кунда дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари экологик муаммоларни ҳал этишда нафақат хўжалик фаолиятида ресурсларни тежовчи ва экологик тоза технологияларни жорий қилиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш, шу билан биргаликда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирларнинг ўзигина ушбу соҳадаги муаммоларни ҳал этишда етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Бу борада аҳолининг, айниқса ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, ҳар бир инсонда атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, мамлакатнинг ноёб табиатини келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш, экологик ҳолатни яхшилаш ва атроф-муҳитга салбий антропоген таъсирнинг олдини олиш асосий омиллардандир.

Табиатда рўй бераётган нохуш ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш, рўй бериши мумкин бўлган бундай вазиятларнинг олдини олиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Инсоннинг табиатга нотўғри таъсир кўрсатиши натижасида юзага келадиган салбий ҳолатларнинг олдини олишда экологик таълим-тарбиянинг ўрни ниҳоятда каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Таълим тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури шунингдек, бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экологик таълим-тарбия тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳар томонлама баркамол, ўз мутахассислиги бўйича етук, етарли даражада билим ва тафаккурга эга жамият, давлат ҳамда оила олдида ўз жавобгарлиги, масъулиятини чуқур ҳис этадиган шахсларни тарбиялашни назарда тутди. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида табиатни муҳофаза қилиш

мақсадларига эришиш учун барча турдаги таълим муассасаларида экология фанини ўқитишнинг мажбурийлигини таъминлаш мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Мақтаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”, “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг давлат таълим стандартлари” ҳамда 2001 йил 16 августдаги қарори билан “Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари” тасдиқланган. Мазкур меъёрий ҳужжатларда ўқувчи-ёшларда экология ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида муайян билим ва маданиятни шакллантириш, уларга табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири, унинг оқибатларини тушунтириб бориш, табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлигини англатиш, экологик ҳуқуқдан хабардор қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, соҳага доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик ҳиссини шакллантириш лозимлиги белгилаб қўйилган.

Атроф-муҳит мусаввфоллигига эришиш ва экологик фалокатларнинг олдини олишда аҳолининг экологик маданиятини ошириш, айниқса, ўсиб келаётган авлодларнинг экологик таълими, маданияти юксак бўлиши ҳал қилувчи омиллардан бири саналади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасида барқарор ривожланиш учун таълим бўйича БМТ Декадасининг (2005-2014 йиллар) амалга оширилиши юзасидан изчил фаолият олиб борилмоқда.

Ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири фан-техника ютуқлари асосида аҳоли ўртасида экологик таълим-тарбия ва маданиятга оид билимларни ошириш йўли билан табиат муҳофазасини таъминлашнинг турли чора-тадбирларини ишлаб чиқишдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да узлуксиз таълим ўқувчиларни ўқув фанлари бўйича муайян билимларни эгаллаш борасида, уларнинг билим олишга эҳтиёжи мустақил ва ижодий фикрлаши, ташкилотчилик қобилиятлари, амалий тажриба ва меҳнат кўникмаларини ривожлантириш, атроф-муҳитга онгли муносабатни шакллантириш лозимлиги қайд этилган.

1. Экологияга оид атамалар ва иборалар лугати

Адаптация (мослашиш) – тирик организмларнинг муҳитнинг конкрет шароитларида барқарор яшаб кетишини таъминлайдиган морфофизиологик, популяциявий ва бошқа хусусиятларининг йиғиндиси. Умумий адаптация (кенг кўламдаги муҳит шароитларига кўникиш) ҳамда хусусий адаптация (муҳитнинг локал, ёки ўзига хос хусусиятли шароитларига кўникиш) фарқланади.

Антропоген ландшафт – хусусиятлари инсон фаолиятига боғлиқ бўлган ландшафт.

Антропоген омил – инсон ва унинг фаолияти томонидан организмларга, биогеоценоз, ландшафт, биосферага кўрсатиладиган таъсир.

Антропоген ташламалар – инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган буғхона газлари, буғхона газли прекурсорлари ва аэрозоллар ташламалари.

Атмосферанинг “ўчоқли” ифлосланиши - “ўчоқли” ифлосланиш ибораси ифлослантирувчи моддаларнинг юқори, қисқа муддатли концентрациясини тавсифлаш учун фойдаланилади. Ифлослантирувчи манбалар яқинида турган одамлар улар таъсирига дучор бўлади. Автотранспорт гавжум ҳаракатланадиган шаҳар кўчалари, шунингдек шаҳарлардаги атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқарадиган саноат корхоналари атмосфера ифлосланиши “ўчоғи” бўлади.

Атроф табиий муҳит – инсонга бевосита ёки билвосита таъсир этувчи табиий абиотик ва биотик омиллар мажмуаси.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш – табиий бойликларни сақлаш ва улардан унумли, оқилона фойдаланишга асосланган жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган давлат ва жамият томонидан олиб бориладиган тадбирлар тизими.

Бактериологик ифлосланиш – экотизимга унга ёт бўлган организмларнинг четдан олиб келиниши ва кўпайиши. Микроорганизмлар билан ифлосланиш бактериологик ёки микробиологик ифлосланиш деб ҳам аталади.

Биогаз – целлюлозалик анаэроб организмлар билан метанли бижғиш бактериялари иштирокидаги органик чиқиндиларнинг (гўнг, сомон, маиший чиқиндилар) парчаланиши жараёнида ҳосил бўладиган газлар аралашмаси. Биогазнинг тахминий таркиби: метан – 55-65 %, карбонат ангидрид – 34-5-45 %, азот, водород, водород сульфид ва бошқа газлар аралашмаси. Биогаздан ёнилғи сифатида фойдаланилади, ахлатхоналарда у атмосферанинг ер юзи қатламини ифлослантиради ва кўпинча ёнғинлар ва портлашларга сабабчи бўлади.

Биоёқилғи – 1) ёққанда энергия чиқариш хусусиятига эга ҳар қандай биомасса (ёғоч, торф, кўмир ва шунга ўхшаш); 2) бижғиш жараёнида парникларга, иссиқхоналарга ва биоёқилғи иссиқлик бера оладиган органик чиқиндилар (ахлат, гўнг, қипик).

Биологик хилма-хиллик – умуман олганда тирик модданинг мураккаблиги, ўз функцияларини ўзи созлаш қобилияти ва улардан ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини акс эттирувчи биологик объектларнинг фарқланадиган турлари ёки ҳодисалари сони, ҳамда уларнинг фазо ва вақтнинг қайд этилган оралиғида учрашининг такрорийлиги. Биологик хилма-хиллик барча ҳайвонлар, ўсимликлар, замбуруғлар, микроорганизмлар ва экотизимлар ҳамда уларда кечаётган жараёнларни ўз ичига олади.

Биосфера – Ер қобиқларидан (сфераларидан) бири бўлиб, унинг таркиби ва энергетикаси асосан тирик модда фаолияти билан белгиланади. Э. Зюсс томонидан 1875 йил киритилган бу атама В. И. Вернадскийнинг илмий изланишлари натижасида Ер сайёрасининг бутун сиртини англатадиган бўлди. Биосфера тропосфера, литосфера ва гидросферани ўз ичига қамраб олади; қалинлиги 30-40 км.

Боғ – рекреация мақсадида фойдаланиладиган табиий ёки маданийлаштирилган ўсимлик турлари билан қопланган, махсус йўлкалар, табиий ёки сунъий сув ҳавзалари, майдончалар билан жиҳозланган ҳудуд.

Браконьер – жорий қилинган таъқиқларни бузиб ҳайвон, балиқ ови, ўрмон кесиш билан шуғулланувчи шахс.

Буюртмахона – ҳудуд ёки акватория қисми бўлиб, унда доимий ёки вақтинча табиий манбаларнинг баъзи турларидан фойдаланиш ман қилинади (ўсимлик, ҳайвонот, фойдали қазилмаларнинг баъзи турлари). Кўпинча ов аҳамиятига молик ҳайвонларни асраш ва кўпайтириш мақсадида барпо қилинган овчилик буюртмахона мавжуд.

Бугҳона гази – ердан чиқадиган инфрақизил нурланишни акс эттирадиган ва шу тарика атмосферада иссиқлик аккумуляциясига кўмаклашадиган газ, масалан, карбонат ангидрид гази ёки метан. Сув парлари (H_2O), углерод диоксиди (CO_2), азот (N_2O) чала оксиди, метан (CH_4) ва озон (O_3) ер атмосфераси таркибида мавжуд бўлган асосий бугҳона газларидир.

Бугҳона ёки иссиқхона эффекти – атмосферада ер юзасидан узун тўлқинли иссиқлик нурланишига ҳалақит берувчи углеводород (карбонат ангидрид, ис гази) ва фтор-хлор-углеводород бирикмаларининг аста-секин кўпайиши натижасида Ердаги ҳароратнинг кўтарилиши ва иқлимнинг умумий иссиқланиши.

Вақтинчалик буюртмахона – одатда аниқ минтақа чегарасида маълум турнинг асралиши ёки сонининг қайта тикланишига мўлжалланган ҳудуд.

Генотип – организмнинг ирсий, наслий конституцияси (организмнинг наслий хусусиятлари йиғиндиси), турли даражада бир-бирига таъсир қилувчи ирсий элементларнинг бир бутун тизими.

Генофонд ёки генетик фонд – индивидлар гуруҳи генлари тўпламидаги наслий ахборот. Баъзида генофонд деб барча тирик организм турлари мажмуи тушунилади.

Гумус, гумус моддалар – тупроқдаги тўқимали тузилишини йўқотмаган, лекин тирик организмлар ва уларнинг қолдиқлари таркибига кирмайдиган барча органик бирикмалар йиғиндиси.

Дренаж – ортиқча намланган ерларни сувни махсус зовур ва ер ости қувурлари – дреналар ёрдамида бошқа жойга оқизиш йўли билан қуриштириш усули.

Ер ости сувлари – ер қобиғининг юқори қисми тоғ жинсларидаги суюқ, қаттиқ ва буғ ҳолатларидаги сувлар. Эркин (гравитацион, тупроқ ости сувлари) ва боғланган (гигроскопик, плёнкасимон, кристаллашган), чучук, шўрхок, шўр сувлар ва ер ости намақобларига бўлинади.

Ер ресурслари – табиий ресурсларнинг асосий турларидан бири – ишлаб чиқариш воситалари ва жамиятнинг турли хўжалик эҳтиёжларини қондириш манбаи сифатида фойдаланилаётган, ёки фойдаланилиши мумкин бўлган ер массивларининг йиғиндиси.

Ёмғирлатиш – қишлоқ, хўжалик экинларини ёмғирга тақлид қилиш йўли билан суғориш усулларида бири, бунда сув гидрантдан 100 м. масофагача сачратиб берилиши мумкин.

Ёппасига кесиш – муайян ҳудуддаги барча дарахтларни бир мартада кесиб ташлаш, бунда ҳаёт муҳити бузилади ва биологик хилма-хилликка

зарар етказилади, шунингдек ёмғир ва эриган сувларнинг ерни ювиб юбориши, тупроқ эрозияси, ўпирилишлар, сув оқимлари ва кўлларда лойқалар ҳосил бўлишига, куруқликлар сув остида қолиб кетишига сабабчи бўлиши мумкин.

Иқлим – иқлим тор маънода одатда “ўртача об-ҳаво тартиби” ёки жиддийроқ маънода бир неча ойдан минг ва ҳатто миллионлаб йиллар оралиғини қамраб олган муайян вақт давомида тегишли миқдорий ўлчамлар ўртача кўрсаткичлари ва ўзгаришларининг статистик баёни сифатида аниқланади. Умумжаҳон метеорологик ташкилот (УМТ) томонидан белгиланишича, аксарият ҳолларда 30 йил ҳисобга олинади.

Иқлим ўзгариши – иқлимнинг ўртача ҳолатининг статистик жиҳатдан сезиларли ўзгариши ёки иқлимнинг узок (одатда бир неча ўн йилликлар ёки бундан ҳам кўп) вақт давомида ўзгариши. Иқлим ўзгариши табиий ички жараёнлар туфайли ҳам, ташқи таъсирлар, шунингдек атмосфера таркиби ёки ердан фойдаланиш амалиётидаги антропоген тусдаги барқарор ўзгаришлар сабабли ҳам содир бўлиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) иқлим ўзгариши бўйича Доиравий конвенциясининг 1-моддасига мувофиқ “иқлим ўзгариши” деганда инсоннинг глобал атмосфера таркибида ўзгаришлар рўй беришига олиб келадиган, солиштирма вақт оралиғида кузатиладиган табиий иқлим тебранишларига таъсир қиладиган фаолияти билан бевосита ёки билвосита боғлиқ иқлим ўзгариши тушунилади.

Иқлим ўзгарувчанлиги – иқлимнинг ўртача ҳолати ҳамда алоҳида об-ҳаво ҳолатлари шкалаларидан ташқари барча давр ва макон шкалалари бўйича иқлимни баён этадиган бошқа статистик ўлчамларнинг (масалан, стандартдан четланиш, фавқулудда ҳолатларнинг рўй бериши ва бошқалар) тебранишини англатади. Ўзгарувчанлик иқлим тизимидаги табиий ички жараёнлар (ички ўзгарувчанлик) ёки ички ва антропоген ташқи таъсир тебранишлари (ташқи ўзгарувчанлик) оқибати бўлиши мумкин.

Карантин – ҳайвонлар, ўсимликлар ва одамларда ёмон сифатли ўсимталарнинг (шишларнинг) пайдо бўлишига олиб келадиган кимёвий бирикмалар ёки физик агентлар.

Лалми ерлар – суғориладиган деҳқончилик ҳудудида қишлоқ хўжалик экинлари суғоришсиз етиштириладиган ерлар.

Ландшафт – ўзаро таъсир этувчи табиат ёки табиий ва антропоген компонентлардан, ҳамда пастроқ таксономик табақали мажмуалардан ташкил топган табиий ҳудудий мажмуа.

Ландшафт буюртмахонаси – ландшафтнинг ландшафт ҳосил қилувчи компонентларидан бевосита фойдаланишга йўналтирилган инсон фаолияти натижасида йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган ва фақат шу ландшафтга хос ноёб тузилмасини сақлаб қолиш учун ажратилган ҳудуд.

Миллий боғ – табиий шароитлари сезиларли даражада инсон фаолияти орқали ўзгармаган ёки инсон фаолияти тарих мобайнида табиат билан уйғунлашган кенг муҳофаза этиладиган ҳудуд.

Муқобил энергия тури – қазиб олинadиган ёнилғи тури бўлмаган манбалардан олинган энергия.

Муҳофаза қилинаётган тур – индивидларга атайин зиён етказиш (коллекция, гербарийлар йиғиш, отиш, тутиш ва ҳ.к.) ва яшаш муҳитини бузиш тегишли қонунчилик, ахлоқий қоидалар ёки анъаналарга кўра ман қилинган биологик тур.

Озон қатлами – стратосферада озон концентрацияси энг юқори кўрсаткичга эришадиган қатлам мавжуд. У озон қатлами дейилади. Бу қатлам ердан 12-40 км баландликда бўлиб, тахминан 20-25 км баландликда озон концентрацияси энг юқоридир.

Оқава сувлар (оқавалар) – маиший мақсадларда ёки ишлаб чиқаришда қўлланилган ва бунинг натижасида таркибига турли аралашмалар кўшилган, ҳамда бирламчи кимёвий ёки физик хусусиятлари ўзгарган сувлар; турар-жой пунктлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларидан ёгин-сочин, ерларни суғориш ёки кўчаларга сув сепиш натижасида оқиб чиқадиган сувларга ҳам оқава сувлар дейилади. Оқава сувлар асосан уч турга бўлинади: маиший (хўжалик-фекал) оқавалар, ишлаб чиқариш оқавалари, қор эриши ва жала (ёмғир) оқавалари.

Рекультивация (рециркуляция) – бўш ерлар, ифлосланган саноат майдонлари ва ҳоказоларни фойдаланиш, хусусан, уй-жой қурилиши, боғлар яратиш, деҳқончилик учун яроқли ерларга айлантириш. Чикиндилар билан ишлашга нисбатан “рециркуляция” атамаси чиқиндиларни фойдали маҳсулотларга қайта ишлашни англатади; ушбу атама чиқиндиларни утилизациялаш соҳасида қўлланади.

Сувни муҳофаза қилиш минтақаси (тегриси) – МДХда: ер усти сув ҳавзаси билан чегара ҳудуд, бу ерда табиат ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг алоҳида тартиби белгиланади. “Алоҳида тартиб” тушунчаси сув ҳавзасини керакли ҳолатда сақлаш учун зарур бўлган ердан фойдаланиш чекловларини белгилашни назарда тутди. Биринчи навбатда бу чекловлар хавфли моддалардан фойдаланиш, ифлослантирувчи манбалар жойлаштириш ва ҳоказоларга тааллуқли. Сувни муҳофаза қилиш минтақалари сув омборлари, кўллар, денгиз ёки йирик дарёлар соҳили атрофида жойлашиши мумкин; бунда минтақанинг кенглиги сув ҳавзасининг ўлчамига боғлиқ.

Табиат ёдгорликлари – ноёб ёки мазкур ўлкагагина хос, илмий, маданий-маърифий ёки эстетик жиҳатдан аҳамиятли бўлган табиат объекти. Одатда келиб чиқиши табиий ёки сунъий, майдони унча катта бўлмаган табиий мажмуалардан ёки алоҳида объектлардан иборат бўлади: жуда кекса дарахт, моғоралар, манзарали (ноёб) ўсимликлар гуруҳи, ажойиб булоқ, шаршара ва ҳ.к.

Табиий ресурс (бойликлар) – инсон эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиладиган табиат бойликлари, захиралари, манбалари.

Таназул – тизим мураккаблиги, энергетик потенциали ва сиғимининг аста секин, реал вақт масштабида деярли орқага қайтариб бўлмайдиган даражада камайиши.

Тикланадиган манбалар – Ердаги ҳаётнинг табиий цикллари билан солиштирилганида қисқа муддатли давр давомида барқарор тусга эга бўлган

ва углеродсиз манбаларни қамраб олган энергия манбалари, масалан, қуёш энергияси, гидроэлектр энергияси, шамол энергияси, шунингдек углеродни чиқариш нуқтаи назаридан нейтрал бўлган манбалар, масалан, биомасса.

Чегаралараро (трансчегаравий) ифлосланиш – давлат чегаралари ёки ҳудудий-маъмурий бирликлар чегараларини кесиб ўтадиган ифлосланиш, масалан, дарё ёки ҳавонинг ифлосланиши (кислота ёмғирлар).

Чиқиндилар – муайян жойларда маълум қоидаларга асосан жойлаштириладиган ва кейинчалик ишлатиладиган, қайта ишлов бериладиган ёки йўқ қилинадиган, қўмиладиган хом-ашё, материаллар қолдиқлари, талабга жавоб бермайдиган асосий ва қўшимча маҳсулотлар, ишлатилган ва ўзининг олдинги сифатини йўқотган тайёр маҳсулотлар.

Чиқитсиз технологиялар – ифлослантирувчи моддаларни атроф муҳитнинг ёмонлашувига (ландшафтлар таназзули, ҳудуднинг табиий-ресурс потенциалининг пасайиб кетиши, аҳоли ҳаёт шароитларининг ёмонлашиши ва ҳ.к.) олиб келадиган ҳажмларда чиқаришни истисно қилувчи технологик операциялар (ишлаб чиқариш) мажмуи. Одатда Ч.т. атроф муҳитни муҳофаза қилиш ёки уни тиклаш учун қўшимча маблағ талаб қилмайди.

Экобизнес – ўз ичига қуйидаги гуруҳларни қамраб олган иқтисодиёт соҳаси: 1) ифлосланишни олдини олишни таъминлайдиган корхоналар (махсус ускуналар, экологик тоза автомобиллар, мониторинг учун асбоблар ишлаб чиқариш); 2) табиий ресурсларни тежайдиган технологиялар билан ишловчи корхоналар (муқобил энергия, “экологик хавфсиз” маркали маҳсулот ишлаб чиқариш, чиқиндиларни рециклинг қилиш); 3) атроф муҳитни ободонлаштириш ишларини олиб боровчи корхоналар; 4) ахборот соҳасидаги экобизнес, шу жумладан экологик таълим ва тарбия муассасалари ҳамда молиялаштириш ташкилотлари.

Экологик инқироз – инсон фаолияти ёки табиий омиллар (мас. иқлимнинг ўзгариши) таъсири остида атроф муҳит ҳолатининг турғун, нисбатан аста-секин, қайтариш мумкин бўлган ёки қайтариш мумкин бўлмаган равишда ёмонлашуви (структурасининг соддалашиши, энергетик ёки экологик потенциалининг пасайиши).

Экологик барқарор тараққиёт – келгуси авлодлар учун зарар келтирмаган ҳолда инсоният ўз эҳтиёжларини қондириб тараққий этиши. Экологик барқарор тараққиёт концепцияси инсониятнинг узоқ муддатли тараққиётининг замини бўлиб, унинг капитал маблағларини ошишига ва экологик шароитнинг яхшиланишига туртки бўлади.

Экотизим – А.Тенсли томонидан киритилган бўлиб, у таркибидаги организм ва анорганик омиллар тенг ҳуқуқли компонентлар бўлмиш динамик мувозанатдаги нисбатан барқарор тизимни ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудотлар жамоалари ва уларнинг яшаш муҳитини ўз ичига қамраб олган функционал тизимга экотизим дейилади.

Қурғоқчилик – ёғингарчилик миқдори меъёردа қайд қилинган даражадан анча паст бўлган ҳолларда рўй берадиган ҳолат, бу гидрологик мувозанатнинг жиддий бузилишига олиб келади, ер ресурслари унумдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Қўриқхона – ҳудуд ёки акватория участкаси бўлиб, унда бутун табиий мажмуа ва биологик хилма-хилликни сақлаш мақсадида хўжалик фаолиятининг барча ишлаб чиқариш шакллари ман қилинади ва ўтказилиш услублари табиий жараёнлар табиийлигини бузмайдиган илмий изланишларга йўл қўйилади.

Қўриқхона режими (ҳолати) – қўриқланадиган ҳудуд ва акваториялардаги фаолият тартиби.

2. Экология тарихи ва таърифи

Сайёрамиздаги ҳаётнинг барқарор давомийлиги, табиий мувозанатга боғлиқ. Бу мувозанат Ердаги ҳаёт эволюциясининг дастлабки босқичида юзага келган. Ҳатто, ер тарихидаги катта геологик катаклизмлар ҳам табиатнинг динамик мувозанатини буза олмаган. Ибтидоий одам ов қилиш, балиқ тутиш, ўсимликларнинг илдизи ва ҳосилини йиғиш билан чекланган. Инсоннинг ану шу фаолиятдан бошлаб, унинг табиатга таъсири бошланган. Ҳар бир мавжудот макон ва замонда яшайди. Мавжудотларнинг ҳаёт кечиришининг асосий шарти, ташқи муҳит омилларининг, организмнинг ички муҳитининг хусусиятлари, узоқ давом этган эволюцион жараён натижасида шаклланган. Шунинг учун организмларнинг ички муҳитининг эҳтиёжлари ташқи муҳит омилларига мос келганда, табиий мувозанат ҳосил бўлади.

Экология атамаси грекча сўз бўлиб, айкос-яшаш жойи, макони, логос-таълимот деган маънони билдиради. Экология атамаси немис биологи, дарвинист олим Ернест Геккел томонидан 1866 йили таклиф этилган. Образли қилиб айтганда, экология бу-ўз уйида қандай яшаш кераклигини ўргатадиган фандир. Айрим турлари учун бу уй муҳитнинг кичик қисми бўлса, бошқа жонзотлар учун материклар ва океанларнинг бағридир. Замонавий одам учун эса уй, бу - бутун Ер сайёраси ва унинг атрофидаги космик коинотдир.

“Экология” Е.Геккелнинг таърифлашича, “Биология” фанининг организмлар билан муҳитнинг ўзаро муносабатларини ўрганувчи бир бўлими бўлиб, организмлар ва муҳитнинг, ҳаёт учун қулай бўлган барча жараёнларини ўрганади.

Замонавий экология бундан 140 йил аввал немис олими Эрнест Геккель таърифлаб берган “Экология” тушунчасидан фарқ қилади. Эрнест Геккелнинг фикрича, ҳар қандай организмнинг тадрижий ривожланишига фақат вужуд ичида кечадиган соф биологик, биофизик, биокимёвий ва бошқа жараёнлар таъсир этибгина қолмай, унинг тараққиётига ташқи муҳит ҳам фаол таъсир қилади.

Бугун экология ўз ичига 100 дан ортиқ фанларни қамраб олган кўп қиррали фандир. Экология инсон билан уни ўраб турган атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабати, таъсирни ўрганувчи, таҳлил қилувчи ва истиқболлини белгилаб берувчи илмий, амалий йўналишлар мажмуи ҳисобланади.

Эътироф этиш керакки, табиат ҳодисаларининг такомиллашиб, эволюцион тарзда ривожланиб боришидаги тушунча ва таълимотлар, инсон билан табиат ўртасидаги боғлиқлик Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ Жайҳоний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларнинг асарларида ўз ифодасини топган.

IX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод қилган, уйғониш даврининг донишманди, кўп қиррали олим Абу Наср Фаробийнинг айтишича: “Инсон табиат тараққиётининг маҳсули бўлиб, ҳайвонот олаmidан фарқ қилади. Инсон-билиш субъекти, табиат эса унинг изланиш объекти. Табиат одамдан ташқарида, одамга боғлиқ бўлмаган ҳолатда мавжуд. Объект субъектга қадар мавжуд бўлгани каби, билинишга қадар мавжуд бўлган сезилувчи нарса, сезгиларга қадар мавжуд бўлган. Инсон ўзининг ақлини, ҳаёлини ишга солиб ва шу воситалар орқали билмаган нарсаларини билиб олади”.

Фаробий инсон ва унинг моҳиятини чуқурроқ ўрганди ва бой маълумотларга эга бўлди. Ўша вақтларда илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар мажмуаси ҳисобланган “Ҳиндистон дорилари ва доривор ўсимликлари”, “Наботи деҳқончилиги ҳақида” каби китоблар Форобийнинг табиатшунослик борасида ҳам етук олим эканидан далолат беради. Унинг табиатшуносликка доир “Инсон аъзолари ҳақида рисола”, “Ҳайвон аъзолари ҳақида сўз” каби асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Форобий Европа олимларидан 1000 йил аввал физиология фанига илмий асос солганининг ўзи ҳам жаҳон илм-фани тараққиёти бешигини кимлар тебратганини исботлаб турибди.

Буюк олим Абу Райҳон Беруний 160 га яқин асарлар ёзиб, фанларнинг кўп қисмини ва қирраларини ўрганади. Беруний катта эътиборини табиатни билиш жараёнига бағишлади. Ўз билимларини тафаккурлаш заминидан ривожлантириб, маълум ва номаълум нарсалардаги ҳодисаларни билишга интилади. У билиш жараёнида ҳиссий билиш, сезги, идрок, хотира кабиларга катта эътибор бериб, уларсиз табиат ҳодисаларини тасаввур қилиш мумкин эмаслигини таъкидлаган.

Беруний ўзининг “Сайдана” асарида эса 1116 турдаги дориворга, шундан 750 ўсимлик ва 101 та ҳайвонга батафсил таъриф беради. Буюк юртдошимиз илмий меросининг амалий аҳамияти шундаки, у ўзининг илмий-назарий тадқиқотлари, тажрибаларида табиатдаги барча ҳодисалар муайян табиий қонуният асосида юз беради, ташқи кучнинг таъсири уни издан чиқариши мумкин, деган хулосага келади. Бу бугун ўз исботини топган ҳақиқатдир.

Берунийнинг табиий ва сунъий танлаш ҳақидаги фикрлари, айниқса, диққатга сазовордир. Бу, орадан 900 йил ўтгач, машҳур инглиз олими Чарльз Дарвин томонидан асосланган эволюцион таълимотнинг башорати экани жаҳон цивилизациясининг илдизи айнан замонавий Ўзбекистон ҳудудида томир отганидан ёрқин далолатдир.

Ал-Хоразмий ўзининг “Китоб сурат ул-арз” номли асарида 637 та ноёб табиий жойлар, 209 та тоғнинг географик тафсилотини берган, денгизлар,

дарёлар ва океанлар ҳавзаси шаклини, уларда жойлашган ороллар ҳақида муҳим маълумотларни баён этган.

Тиббиёт оламида Абу Али ибн Синонинг табаррук номи Гипократ, Гален каби буюк табиблар билан бир қаторда туради. Унинг тиббиётга доир асарлари неча асрлар давомида Тиббиёт фанининг ҳам назарий ҳам амалий илм соҳасида тиббиётшуносларга асосий қўлланма бўлиб келди. Дунёда биринчилардан бўлиб, профилактика табобатини ривожлантиришга асос солган Абу Али ибн Синодир. Унинг шоҳ асари “Тиб қонунлари” бир қанча мамлакатларда кўп тилларга таржима қилинган. Ғарбий Европа мамлакатларида XVII асргача табобат илми билан шуғулланувчиларнинг асосий ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилган, шарқ мамлакатларидаги табиб ва ҳикматларнинг асосан фойдаланадиган китобига айланган.

Ибн Сино экология атамаси бўлмаган вақтлардаёқ, экологиянинг масалаларига тўхталиб, инсон саломатлигини сақлаш борасида ташқи атроф-муҳит ва ички организмлардаги муҳитнинг ўрнига катта аҳамият берди. У турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишида атроф-муҳит омиллари бўлиши, ҳаво, сув, овқатнинг ўрнини эътироф этди, ўша замонда микроскоп бўлмаганига қарамай, юқумли касалликларни кўзга кўринмайдиган, майда, жонли зарралар келтириб чиқаришини, яъни макруҳлар-микроорганизмлар сабабчи экани тўғрисидаги фикрни айтди.

Ибн Сино ўзининг ушбу китобида экология ва гигиенага бағишланган кўп масалалар ечимини ёзиб қолдирган. Жумладан, у “агар ҳавода чанг ва бошқа ғуборлар бўлмаганда эди, инсон ҳаёти анчагача чўзилар эди”, деб атмосфера ҳавосини ифлосланишдан асрашни уқтирган.

У айниқса, ҳаво ҳароратига унинг намлигига катта аҳамият берган. У кўпчилик касалликлар ҳаво намлиги ошганда ривожланишини ёки ҳаддан ташқари ҳаво ҳарорати юқори бўлганда одамларда касалликлар кўпайишини айтган. Абу Али ибн Сино шогирдларига мурожаат қилиб, қуйидагиларни уқтиради: “шуни билгинким, йил фаслнинг турли иқлим шароити касаллик келтириб чиқариши мумкин. Демак, иқлимга қараб ақл-заковат билан одамларга турли кун тартибини тавсия қилиш керак”.

“Тиб қонунлари” китобида, жумладан турар жойларни қуришда ернинг майдонига, соф тупроғига, релефига катта аҳамият бериб, аҳоли яшаётган жойлар кунгай, беҳаво, қуруқ тупроқли бўлмоғи зарурлигини айтади. Инсоннинг соғлиғини сақлашда тупроқнинг, ҳавонинг, сувнинг аҳамиятини кўрсатади.

Шунингдек, Ибн Сино инсонни покиза бўлишга, табиатнинг тозаллигини сақлашга ва унинг мусаффо, сўлимлигига аҳамият бериб тўғри овқатланиш, уйқу ороми, ҳаммомда чўмилиш, жисмоний тарбия инсоннинг соғлиғидаги асосий ҳолатлардан эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда одамларни шуларга аҳамият беришга даъват этади.

Марказий Осиё тиббиёт фанининг улуғ вакилларида бири Исмоил Журжонийдир. У XII асрда Исфahонда туғилиб, сўнг Хоразмга келади ва Хоразм шоҳлиги даврида яшаб, ижод қилади. У Хоразм воҳасининг иқлими,

хавоси, географик ҳолати ҳақида ёзибгина қолмай, уларнинг инсонлар соғлиғига таъсирини ўрганади ва ўз асарларида ёзиб қолдиради.

Журжоний “Хоразм ваҳасининг хавоси шунчалик тозаки, кимки, у хаводан бир марта нафас олса, ундаги доривор ўсимликлардан мева ва резавор ўсимликлардан истеъмол қилса, унинг соғлиғи мустаҳкамланади”, деб бор ҳақиқатни айтган.

У тиббиёт олами тўғрисидаги 2 та бебаҳо, дурдона “Хоразмшоҳ хазинаси” ва “Хоразмшоҳ карабадини” асарини қолдиради.

“Хоразмшоҳ хазинаси” асари 9 томли китобдан иборат бўлиб, тиббиёт фанининг турли соҳаларига бағишланган. Журжоний: “Касалликларнинг келиб чиқишига 6 хил омил сабаб бўлади, яъни ҳаво, озиқ-овқат ва доридармон, уйку, жисмоний ҳаракат. Организмга кирувчи моддалар ва уларнинг организмдан ажралиши. Касалikka олиб борувчи омиллар- уйқусизлик, ҳаракатсизлик, ҳаддан ташқари хафагарчилик, иқлимнинг бузилиши, нотўғри овқатланиш ва бошқалар”.

У “Одамларни даволаётган табиб, буларни билиб ҳар бир инсонни касалликдан сақлаши ва огоҳлантириши, уни дори-дармон билан таъминлаши зурур”, деб шогирдларига насиҳат қилган.

Журжоний “Хоразмшоҳ хазинаси” китобида: “Зах, намлиги юқори бўлган жойларга уй-жой курганда, пойдеворини баландроқ қуришни тавсия қилади. У ичимлик сувларига тўхталиб, қиш вақтида ёққан ёмғир сувига қараганда тоароқ бўлади”, деб уқтиради. “Таркибида темир моддаси кўп бўлган сув киши организмига, қолаверса, меъда, ичак, буйрак ва жинсий аъзоларига ижобий таъсир қилади”, деган фикрини биринчилардан бўлиб, фанга киритган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, диёримизда табиатга бўлган эҳтиром, унинг сирларини англаб етишга интилиш, атроф-муҳитни мусаффо сақлаш, озодалик ва поклик каби эзгу урф-одатлар узок ўтмишга бориб тақалади.

Зеро, Зардуштийлар дини, унинг: “Эзгу фикр, эзгу камол, эзгу амал (яъни ният бирлиги, амал бирлиги) тамойили” табиий муҳитни муҳофазалаш ва инсон учун зарур бўлган моддий неъматларни кўпайтириш хизмат қилган.

Зардуштийлар далаларни, яъни ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаб, йўқолиб бораётганларини қайта тиклашга ҳаракат қилганлар. Уларга зарар етказиш эса оғир гуноҳ ҳисобланган.

Зардуштийлар табиат муҳофазаси ва атроф-муҳит тозалигини асраш, турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида санитария ҳамда гигиена қоидаларига амал қилганлар.

Бундан ташқари, ер, сув, ҳаво, ўсимликлар ва дарахтларни авайлаш, асраш, эъзозлаш, атроф-муҳитни покиза сақлаш сингари табиатнинг ҳаётлилиги ва гуллаб-яшнашидан далолат берувчи-баҳорий гўзаллик байрами “Наврўз”ни шоду-хуррамлик билан кутиб олиш ҳам энг қадим зардуштийлик замонлардан буён, бизга мерос бўлиб келаётган байрамдир.

3. Долзарб экологик муаммолар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари

Жаҳон миқёсида ҳозирги кунда экологик муаммолар, экологик хавфсизликни таъминлаш долзарб, ечимини кутаётган муҳим масалалардандир. Экологик муаммоларнинг юзага келишида инсон омили жуда катта таъсир кўрсатади.

Маълумки, бугунги кунда сайёрамиз аҳолисининг ҳар олтинчиси экологик номақбул ҳудудда яшайди. Сўнгги 40 йил давомида балиқ овлаш йилига 18 млн. тоннадан 100 млн. тоннага ошди. Ачинарлиси балиқ захираларининг 75%и йўқолиб кетди ёки йўқолиш арафасида. Таъкидлаш керакки, ер юзидда яшовчи инсонларнинг ҳар бешинчисининг овқатланиш рационига балиқ киради.

Ер юзидда ишлатиладиган сувнинг 70% қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади. Бутун сайёра бўйлаб ҳар ўнинчи катта дарё бир неча ой мобайнида денгизга етиб бормайди. 1 млрд. аҳоли санитар нормаларига биноан хавфсиз ичимлик сувига эга эмас. Ҳар кун дунёда 5000 киши ифлосланган ичимлик сувидан фойдаланиш оқибатида оламдан барвақт кўз юмади. 2025 йилга қадар сув танқислигидан 2 млрд. аҳоли азият чекиш эҳтимоли бор.

Экологик хавфсизликнинг энг нозик ва энг мураккаб қирраларидан бири тоза ичимлик суви муаммоси бугун дунё аҳолисини жиддий ташвишга солмоқда. Чунки айни пайтда жаҳон аҳолисининг 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмайдиган жойларда яшашмоқда. Бу ҳолат 2025 йилга борганда янада мураккаблашиб, ҳар ўн одамдан 6 нафари ёки 5,5 миллиард аҳоли тоза ичимлик суви танқис бўлган ҳудудларда яшаш эҳтимоли борлиги башорат қилинмоқда.

Бу муаммолар айнан бизнинг минтақамиз учун ҳам ўта долзарбдир.

Бугунги кундаги долзарб экологик муаммолар сайёрамизда биохилма-хилликка ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. 2050 йилга келиб, ҳайвонот турларининг 25 %и йўқолиб кетиш хавфи остида қолиши мумкин.

Биологик турлар табиий суръатлардан 100 маротаба тезроқ тугаб битиш хавфи бор. Иқлим географияси ўзгармоқда. Сўнгги 15 йил давомида ўртача ҳарорат энг юқори кўрсаткичка етди.

Иқлимий ўзгаришларнинг таъсири кутбларда айниқса яққол намоён бўлмоқда. Сув исиши жараёни тезлашиб бормоқда. Ер шари кутб қопқоғининг қалинлиги сўнгги 40 йилда 40% га камайган. Ўртача ҳарорат ошиб бориши натижасида ичимлик суви захираларининг 20 % ини ташкил этадиган Гренландия музликлари эриса сув сатҳи 7 метрга кўтарилади. Ҳарорат ошиши сабали XX асрнинг ўзидаёқ денгиз сатҳи 20 см.га кўтарилган.

Орол денгизи – сайёрамиздаги энг қадимий ёпиқ сув хавзаларидан бири ва у йириклиги жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринни эгаллаб турганди, бой табиий захиралари билан машҳур эди. Оролбўйи минтақаси эса биологик бой табиий муҳит ҳисобланарди. 1960 йилга қадар Орол денгизи

майдони 68,9 минг кв. км га тенг эди, сув ҳажми 1083 куб. км ни ташкил этарди. Орол ва Оролбўйи сув ҳавзаларида 38 турдаги балиқ бўлиб, йилига 30 минг тоннагача балиқ овланган. Оролбўйининг кенг ҳудудларида бир қатор хайвон турлари – Бухоро кийиги, жайрон, Устюрт тоғ эчкиси ва сайғоқларнинг кўп сонли популяцияси мавжуд эди.

Бир пайтлар Амударё дельтаси флораси таркиби 638 турдаги турли ўсимликлардан иборат бўлганлиги ҳам ушбу минтақанинг нақадар бой биохилма-хилликка эга бўлганлигидан ёрқин далолатдир.

Бугун орол денгизининг ҳажми 13 баробарга, майдони 7 баробарга қисқарди. Сув сатҳи 26 м га пасайди, сув чегараси юзлаб километрга чекинди. Сувнинг шўрланиши, яъни минераллашуви ғарбий қисмида 120 г/л га, шарқий қисмида 280 г/л гача етди.

Экологик ҳалокат оқибатлари Орол денгизи ҳавзасида яшовчи миллионлаб одамларнинг турмуш тарзига салбий таъсир ўтказди. Бугун халқаро миқёсдаги экологик муаммоларнинг мураккаб мажмуи Орол фожиасида ўз аксини топди. Очиги, минтақадаги барча жараён ва ҳолатлар глобал иқлим ўзгариши шароитида янада ўткирроқ, шиддатлироқ ва мураккаброқ намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда мавсумий қурғочиликнинг кучайиш тенденцияси сезиларли қўлам касб этган. Бу эса Оролнинг қуриш жараёни минтақа иқлим шароити ўзгаришига салбий таъсир ўтказаяётганидан далолат беради. Орол фожиаси иқлим континенталлигини кескинлаштирди, бунинг натижасида ёз кунлари қурғоқчилик кучайди, қишнинг совуқ кунлари эса аксинча узайди. Оролбўйида ҳарорат 40°C дан юқорироқ бўладиган кунлар сони 2 мартага кўпайди.

Маълумки, Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг сувга бўлган талаби трансчегаравий дарёлар - Амударё ва Сирдарё ҳисобига қондирилади. Мутахассисларнинг башорати бўйича иқлим ўзгариши, глобал ҳароратнинг ошиши туфайли Амударё ва Сирдарёнинг сув захираси манбаси бўлган музликлар 2015 йилга бориб 15-20 фоизга камайиши кутилмоқда. Бу эса ҳудудимизда сув таъминотининг 20 фоизгача қисқаришига олиб келиши мумкин. Тоғ музликларининг ҳажми ҳозир йилига 0,2 дан – 1 фоизгача камайиб бораётгани фикримиз исботидир.

Орол денгизининг қуриган қисмида майдони тахминан 5,5 млн. га бўлган янги чўл – Оролқум, оппоқ туз билан қопланган кенг ҳудудлар пайдо бўлди. Ундан юзлаб километрга миллионлаб тонна туз, чанг ва қумларни тарқатувчи чанг ва тузли довуллар кўтарилади.

Туз шлейфлари 400 км дан ошади, қумли ва тузли бухронларнинг таъсир доираси - 300 км гача етмоқда. Ҳар йили бу ердан атмосферага 100 млн. тоннагача қум аралаш тузли чанглар кўтарилади. 80-йиллар бошидан бундай довуллар йилига 90 кундан ортиқ вақт давомида тез-тез содир бўладиган бўлди.

Оролбўйи чўлланиши ер ресурсларининг деградациясига, табиий яйловлар ва пичанзорлар сифатининг ёмонлашувиға сабаб бўлмоқда, тупроқнинг шўрланиши фаоллашиб, у йил сайин янгидан-янги майдонларни

камраб олмоқда. Антропоген чўлланиш натижасида Оролбўйининг биологик унумдорлиги 10 баробарга қисқарди. Кўпгина жойларда ер ва ерости сувларида шу қадар кўп туз тўпланганки, бу қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришни қарийб имконсиз қилиб қўймоқда.

Бугун шуни афсус билан таъкидлаш керакки, Оролбўйи ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондининг ярмидан кўпроғи йўқ бўлиб кетди.

Айни пайтда Жанубий Оролбўйида кўплаб кичик кўллар саёзлашди ёки қуриб қолди. Бу эса ўз навбатида 800 минг гектар майдондаги мавжуд бутазор ва тўқайзорларнинг 90%и, улар билан бирга бу ерда қўним топган жониворларнинг йўқолишига олиб келди. Сув танқислиги туфайли дарё бўйидаги ўрмонлар, дельтадаги юзлаб кўллар қуриб қолди.

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг ривожланишида, аҳоли турмуш фаровонлигини тўхтовсиз ошириб боришда ўрта таълимга риоя қилиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Яъни, иқтисодий ўсиш, ижтимоий ҳимоя ва ниҳоят, экологик хавфсизлик. Уларни эса ҳеч қачон бир-биридан ажратган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Мисол учун, экологик хавфсизлик таъминланмаган иқтисодиёт охир-оқибат инқирозга учрайди. Буни айрим хорижий мамлакатлар мисолида яққол кўриш мумкин. Фикримизча, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласини ҳам экологик хавфсизликни таъминламасдан туриб тасаввур этишнинг ўзи қийин.

Бу борада мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданок кучли, ўзоқни кўзлаган сиёсат амалга оширилаётганлигини бугун нафақат ўзбекистонликлар ҳис этиб турибди, балки, жаҳондаги ривожланган давлатларда, халқаро ташкилотлар томонидан ҳам очиқ эътироф этилмоқда. Яъни, юқоридаги ўрта таълим Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланишига асос қилиб олинган десак, хато қилмаймиз. Кенгроқ фикр юритадиган бўлсак, Президентимизнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобини яна бир бор эсга олишимизга тўғри келади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида чоп этилган ушбу китобда Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги масаласига алоҳида ўрин берилган. Умуман, Ўзбекистонда экологик хавфсизликка, бу хавфсизликка таҳдид солаётган ва эндиликда глобал муаммога айланиб қолган Орол ва Оролбўйи экологик фожиаси оқибатларини бартараф этишга, трансчегаравий дарёлар сувидан оқилана фойдаланиш масалаларига фақат бугун эътибор қаратилаётгани йўқ. Бу масалалар юртбошимиз томонидан ўтган асрнинг 80 йиллари охирларида кўтарилган ва мустақилликка эришилгандан кейин янада ривожлантирилган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Орол экологик фожиасини тўхтатиш ва юмшатиш йўлида кенг кўламдаги мислсиз ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуслари билан Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш ҳайрия жамоат фонди ташкил этилди.

Халқаро донорларни Орол ва Оролбўйи муаммоларини юмшатиш ишига жалб қилиш мақсадида 2008 йилнинг 11-12 мартда Тошкент шаҳрида

Халқаро конференция ўтказилди. Унда “Оролбўйи минтақасида иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш мақсадида амалга ошириш учун халқаро донорларга таклиф этилаётган мажмуавий ҳаракат дастури” қабул қилинди.

Орол ва Оролбўйи муаммосини ҳал қилишда Ўрта Осиё давлатлари ҳамкорлиги 1993 йили Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг (ОҚХЖ) ташкил этилишида намоён бўлди. Унинг доирасида Орол денгизи ҳавзаси Дастури ҳаётга татбиқ этилди.

2009 йил апрелида Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо давлатлар раҳбарлари учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов жаҳон ҳамжамиятини Орол денгизи ҳавзаси муаммоларини ҳал этишга янада кенгроқ жалб қилишга қаратилган Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо мамлакатларнинг 2011-2015 йиллардаги фаолияти Дастури концепциясини таклиф этди.

Минтақада экологик мувозанатнинг бузилиши оқибатларини юмшатиш мақсадида Амударё дельтасида кичик сув ҳавзаларини яратиш, тўқайзорларни сақлаб қолиш, Оролбўйининг олис аҳоли яшаш жойларида куёш энергиясидан фойдаланишга қаратилган бир қатор халқаро ва давлатлараро лойиҳалар амалга оширилмоқда. Президентимиз айтганларидек, экологик хавфсизлик бугун миллий ва ҳудудий доирадан чиқиб, инсоният учун глобал муаммога айланди. Бунинг учун эса етарлича асослар бор.

Яна бир эътиборли жиҳат, мамлакатимиз раҳбарияти Орол ва Оролбўйи ҳудудидаги экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича фақат таклифлар бериш билан кифояланиб қолаётгани йўқ. Сўнгги ўн йил ичида ҳудуддаги экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича Ўзбекистоннинг ўзида 1,5 миллиард АҚШ долларида ортиқ маблағ сарфланганлиги фикримизнинг исботидир.

Дарҳақиқат, сўнгги 15-20 йилларда минтақага кўрсатилган халқаро ёрдам экологик фожиа оқибатларини бир қадар юмшатишга ёрдам берди. Аммо муаммони тўлалигича ечишнинг имкони бўлмаяпти.

Рихтер шкаласи бўйича фаоллиги 9 баллга етадиган сейсмик хавфли жойлар категориясига кирувчи Илоқ-Вахш ёриғи ҳудудида Роғун ГЭСининг қурилиши, сейсмик фаоллигининг қоқ марказида йирик тўғоннинг бунёд этилиши янги ер силкинишларини келтириб чиқариши мумкин. Тўғон бузилган тақдирда сув оқими ГЭСнинг бутун каскадини (6 гидроузел) вайрон этади, 1,3 - 1,5 миллион гектар майдон, жами 5 миллион атрофида аҳоли истиқомат қиладиган Тожикистон, Афғонистон, Ўзбекистон, Туркманистон ҳудудидаги 700 дан ортиқ аҳоли турар жойлари сув остида қолади.

Ушбу улкан ГЭСни лойиҳалаштириш, МДХ ҳудудидаги бошқа йирик гидроиншоотлардаги сингари, экологик экспертиза ўтказилмасдан, атроф муҳитга таъсирни баҳолашни кўзда тутмайдиган андозалар асосида амалга оширилган. Гидроузел қурилиши 80-йиллар охири – 90-йиллар бошидан лойиҳа ечимларидан четлашган ҳолда олиб борилди. 1992 йилда қурилиш тўхтатилганидан сўнг қурилиш туннеллари ва бошқа иншоотлар қудратли сел оқимлари туфайли сезиларли даражада вайрон этилган. Қурилишни

давом эттириш ҳақида қарор қабул қилинган пайтда тўғоннинг кўплаб конструктив қисмлари яроқсиз ҳолга келиб қолганди.

Сув ҳавзасининг лойиҳавий қувватга (13 миллиард кубометр) эришилишига қадар тўлдириши 7-8 йил вақт олади. Роғун сув ҳавзасининг энергетик иш тартибига ўтиши вегетацион даврда сув танқислигининг бугунги шарт-шароитларга нисбатан 22,2% га, алоҳида қурғоқчил йилларда эса 2 баробар ошишига олиб келади. Қурғоқчилик туфайли қишлоқ хўжалиги истеъмолидан чиқарилган суғориладиган ерларда туз таркиби ошади, бу эса минтақадаги шусиз ҳам нобоп экологик-мелиоратив вазиятни янада кескинлаштиради.

Амударёдаги ушбу вазиятнинг кўп йиллар давомида такрорланиши ерларга, уларнинг унумдорлигига етказилаётган зиён миқёси ошиб боради ва бу охир-оқибат Амударё қуйи оқидамида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тўхташи кўринишидаги янги экологик фожиага олиб келиши мумкин. Деградацияга учраган ерларнинг истеъмолдан чиққан қисмини (200 минг гектар) қайта тиклашнинг иложи бўлмайди.

Экин ерлари майдонининг қисқариши ва ҳосилдорликнинг пасайиши Ўзбекистоннинг 12 миллион ва Туркменистоннинг 6 миллион аҳолисининг даромадида, турмуш тарзида ва ҳаёт даражасида акс этади.

Тўқайзорлар, қамишзор ўсимликлари, табиий яйловлар майдонининг қисқариши ҳамда ноёб турдаги жониворлар ва қушлар сонининг қисқариши ёки уларнинг бутунлай йўқолиши натижасида етказиладиган умумий зиён энг камида юзлаб миллион АҚШ доллариға баҳоланмоқда. Аммо флора ва фаунадаги ҳақиқий қайта тиклаб бўлмайдиган йўқотишларни молиявий ўлчаб бўлмайди.

Бу соҳада мавжуд вазифалар кўламининг кенглиги ва мураккаблиги ҳамда миқёси минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш муаммоларини комплекс равишда ҳал этиш ишида нафақат давлат органларининг, балки жамоа бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтларининг сайъ-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб этади. Шу боис Ўзбекистонда бу ишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлатнинг, жамиятнинг ва ҳар бир фуқаронинг ишига айланиши йўлида жиддий қадамлар ташланмоқда ва кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

4. Экологик таълим ва тарбиянинг зарурати

Экологик таълим-тарбия – инсоннинг табиатдан онгли равишда фойдаланиш, психологик ахлоқ-одоб юзасидан халқимизнинг табиатга нисбатан эътибор билан қарайдиган яхши урф-одатлари, анъаналари асосида ёшларни тарбиялаш, улар онгида табиатга, унинг бойликлариға меҳр-муҳаббат ўйғотиш, уларни тежамкорликка ва табиий бойликларни асраб-авайлашга ўргатишдан иборат.

Яшил олам инсон саломатлигини сақлашда ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини, шунинг учун ҳам ҳар бир ўқувчи ўз мактаби, ҳовлиси, кўча ва хиёбонларни кўкламзорлаштириш ишида фаол қатнашиши, кўчат ўтқазиб,

уларни парвариш қилиш орқали атроф-муҳитнинг мусаффо бўлишига ҳисса қўшиши кераклиги тушунтирилиши лозим.

Ота-боболаримиз қолдирган нодир мерос – мусаффо осмон, тиник сув, тоза тупроқ, ер қаъри ва ер усти бойликларини қандай асрамоғимиз, уларни асл ҳолида келгуси авлодларга топширмоғимизни тушунтириш – энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган умуммиллий масаладир.

Ҳозирги даврда ўсиб келаётган ёш авлод онгида табиатга нисбатан ҳам ахлоқий муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш ва ривожлантиришни тақозо этади. Бу эса педагог кадрлар зиммасига улкан ва масъулиятли вазифа юклайди. Зеро, табиатнинг келгусида гуллаб яшнаши ёки экологик муаммоларнинг глобаллашиб бориши ёш авлоднинг табиатга нисбатан муносабатига бевосита ва билвосита боғлиқдир.

Бугун ўтмишда табиатга етказилган зарарнинг чуқур асоратларини тугатиш ҳақида, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда экологик маданият деган тушунчани ҳамма ҳам бирдек англаб етгани йўқ. Баъзан кўча-кўйда тўпланиб қолган чиқинди уюмларини, тамаки тутатиб, қолдиғини оёғи остида эзиб, бемалол кетаётган кишиларни, ариқ сувига мағзава ағдараётган опа-сингилларимизни, дарахт шохларини бемалол синдираётган болаларни, писта чақиб хиёбон ва кўчаларни ифлослантираётганларни, хазон ёқаётганларни кўриб, бунинг бизга ҳеч дахли йўқдек эътиборсиз ўтиб кетаверамиз. Афсуски, буларнинг барчаси, оқибатда, ўз соғлиғимизга шикаст етказишини, турли касалликларни келтириб чиқаришини, умримизни қисқартираётганини баъзида унутиб қўямиз. Бундай нохуш ҳолатларнинг асосий сабаби айрим юртдошларимизнинг табиат қонунларини чуқур билмаслиги, уларда экологик билим ва тарбиянинг етишмаслигидир.

5. Экологик таълим-тарбиянинг самарали усул ва воситалари

Табиат бойликларидан унумли фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш масалаларини онгли равишда ҳал этиш учун оиладан, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб болаларда табиат неъматларига меҳр-муҳаббат руҳини шакллантириш, экологияга оид билимларни улар шуурига сингдириш лозим. Токи улар келажакда атроф-муҳитни муҳофаза қила оладиган ва табиатдан табиатга зарар келтирмаган ҳолда фойдалана оладиган бўлиб вояга етишсин.

Экологик тарбия – ватанпарварлик бўлиб, табиатни асраш – Ватанни асрашдир. Бу муҳим вазифани амалга ошириш узлуксиз таълимнинг бошланғич босқичи ҳисобланган мактабгача таълим муассасаларидан бошланиши айтиш мумкин.

Мактабгача ёшдаги болалар табиат ҳақидаги билимларни эгаллаб олиб ўсимликларни ўстириш, ҳайвонларни парвариш қилишнинг оддий усуллариини ўрганиб, табиатни кузатиш, унинг гўзалликларидан баҳра олишни билиб олган тақдирдагина, уларда табиатга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тарбиялаш имконияти туғилади. Болаларда она

Ватанга, унинг табиатига, жонажон ўлкасига муҳаббат ҳисси шу асосда шаклланиб боради.

Таълим муассасаларида фан асосларидан мустаҳкам билим бериш билан бирга турли фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларни ҳозирги экологик муаммоларни моҳиятини очиб берувчи билимлар билан қуроллантириш ва шу билимларни уларнинг амалий фаолиятига, ижтимоий меҳнати билан мустаҳкамлаб бориш мақсадга мувофиқ. Бундай масъулиятли вазифани ҳал қилиш учун ўқитувчи шу соҳа бўйича билимга, педагогик маҳоратга, юксак экологик маданиятга эга бўлиши, шунингдек, тинимсиз изланиши, ўрганиши, ижодкор бўлиши талаб қилинади.

Миллий бойликларимиз, урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиздан дарсларда ўринли, мақсадли фойдаланиш, атроф-муҳитнинг тоза ва мусаффолиги нафақат мамлакатимиз, балки сайёрамиз учун ҳаётий зарурат эканлигини тушуниб етишга ёрдам беради. Миллий қадриятларга суянган ҳолда экологик таълим-тарбия элементларини ўқувчиларга сингдириб бориш зарур. Таълим муассасаларида экологик билимларни тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида уларда “Экологик марказ”, “Экология клуби” ташкил этиш, мунтазам равишда экофестиваллар ҳамда танловлар ўтказиб туриш ижобий самаралар беради.

Маҳаллалар ҳам экологик таълим-тарбиянинг ўзига хос ўчоқларидан биридир. Азалий қадриятларимиздан ҳисобланган умумхалқ ҳашарларини ўтказиш ва унга кўпроқ ёшларни жалб этиш уларнинг табиатга нисбатан тўғри муносабатини шакллантиришга ёрдам бериши шубҳасиз.

Бинобарин, ота-боболаримиздан бизга мерос ҳисобланмиш она табиатни софлигича келгуси авлодларимизга етказиш нафақат табиатни муҳофаза қилувчи мутахассислар, балки ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ёшларда экологик маданиятни оширишнинг усул ва воситалари:

- ёшларнинг ўзи яшаб турган шаҳар, қишлоқ, маҳалла, хонадонга бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини, ватанпарварлик руҳини шакллантириш;
- табиат учун шахсий жавобгарлик хусусиятларини ва шахсдаги яратувчанлик асосларни шакллантириш;
- инсон қалбидаги эзгулик, саховат, меҳр-мурувват фазилатларини шакллантириш;
- ёшларда Орол муаммаси, уни асраб қолишнинг самарали йўллари излаб топиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- ёшларни она табиатни севиш, ардоқлаш, ундан ғурурланиш руҳида тарбиялаш;
- ёшларни сувни ифлос ва исроф қилмасликка чақириш. Орол фожиасининг сабабларини ёшларга тушунтириш. Таҳликали офатлардан огоҳ этиш;
- ёшларни она табиатга меҳр муҳаббат уйғотиш, атроф-муҳитни асраб-авайлаб муҳофаза қилиш билан боғлиқ одоб-ахлоқ руҳида тарбиялаш;
- она табиатни севиш, ундан ғурурланиш руҳида тарбиялаш;

- экологик тарбияни амалга оширишда ўзбек халқининг сув, атроф-муҳит тозаллиги билан боғлиқ қадриятларини қайта тиклаш ва ривожлантириш;
- ёшларда экологик маданиятни шакллантиришда тарихий шахслар ҳаётий фаолиятига эътибор қаратиш. Хулқ, мулоқот, меҳнат малакасини ривожлантириш;
- атроф-муҳит муҳофа-заси ижтимоий зарурият эканлиги тўғрисидаги эътиқодни шакллантириш;
- ота боболаримиздан қолган урф одатлар гўзал қадриятлар асосида тарбиялаш. Атроф-муҳитни чиройлилигини англаш билан боғлиқ қизиқишларини кузатувчанликни ривожлантириш;
- ёшларда экологик хавфнинг олдини олишга қаратилган бурч, виждон, одамийлик хусусиятларини кучайтириш. Уларда яратувчанлик асосларини ривожлантириш;
- ёшларни кузатувчанлик, атроф-муҳит гўзаллигини англаш билан боғлиқ бўлган қизиқишларни ривожлантириш. Талабаларда ер, унинг таббий бойликларига;
- табиий заҳиралардан фойдаланишнинг тубдан яхшилашга қаратилган экологик руҳдаги таълим-тарбия ишларини амалга ошириш;
- табиатга хавф туғдирувчи антропоген таъсирларнинг олдини олиш мақсадида экологик тарбияни мутлақо янги, замон талабига жавоб берувчи, ўзбек халқининг одоб ва ахлоқига асосланган негизда ташкил этиш;
- ўсимликлар, ҳайвонлар табиатнинг бир қисми, инсон табиат гўзаллиги билан боғлиқ эканлиги, уни асраб-авайлаш зарурлигини тушунтириш асосида тарбиялаш;
- ўзбек халқига хос бўлган инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, тозаллик, тежамкорлик, охиратни ўйлаб яшаш каби фазилатларни шакллантиришда халқимизнинг қадриятларини қайта тиклаш ва ривожлантириш;
- мамлакатимиз экологияси билан боғлиқ масалалар халқаро миқёсда ўрганилишини ёшларга тушунтириш;
- XXI аср цивилизацияси даражасига ва табиатга хавф туғдирувчи кучли антропоген таъсирларга бардош берувчи, янгича одоб ва ахлоққа асосланган экологик дунёқарашни тарбиялаш;
- халқаро ташкилотлар, нодавлат экологик ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган экологик тадбирларни ўқувчи ва талабалар оммасига кенг тарғиб қилиш ва шулар асосида экологик таълимни ривожлантириш ва чуқурлаштириш;
- Ўзбекистоннинг табиий бойликлари: ўсимликлари, ҳайвонот олами, кўриқхоналар ва нодир ландшафтлар, табиат ёдгорликларини, ер, сув, ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича қонунларни тушунтириш;
- инсон қалбидаги эзгулик, саховат, меҳр-мурувват фазилатларини шакллантириш халқ анъаналари, удумлар руҳият билан боғлиқ хусусиятларни ривожлантириш;

- ўсимликлар табиатнинг бир қисми эканлиги, ўсимликлар, хусусан дарахтлар билан танишиш, унинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини англаш, гўзаллиги, экологик занжирнинг бир халқаси эканлигини, уни асраб-авайлаш, кўпайтириш зарурлигини тушунтириш;

- юртимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ўсиб келаётган авлоднинг экологик маданиятини, дунёқарабини, билим ва маъсулиятини мунтазам ошириб бориш билан боғлиқ оммавий ахборот воситаларида мақолалар чоп этиш, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришларларни ва махсус дастурларни мунтазам равишда эфирга узатиш.

6. Атроф-муҳит муҳофазаси миллий қонунчиликда

Истиқлол йилларида мамлакатимизда экология соҳасига боғлиқ 20га яқин қонунлар қабул қилиниб, мустаҳкам, яхлит қонунчилик базаси яратилди. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992 й.), “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги (1993 й.), “Ветеринария тўғрисида”ги (1993 й.), “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги (1994 й.), “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги (1995 й.), “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1996 й.), “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги (1997 й.), “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги (1997 й.), “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги (1999 й.), “Ўрмон тўғрисида”ги (1999 й.), “Экологик экспертиза тўғрисида”ги (2000 й.), “Чиқиндилар тўғрисида”ги (2002 й.), “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги (2004 й.) қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофазасига доир айрим қонунлардан кўчирмалар

№	Қонун номи	Моддалар
1.	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	50-модда. Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. 54-модда. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. 55-модда. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.
2.	Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни	10-модда. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини: фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини, ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлайди; ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария-тозалаш ишлари ўтказиш учун тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади; хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларига мажбурий тўловларни йиғиш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш юзасидан тадбирлар ўтказишда, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уй-жойлар ва ҳовлиларни намунали сақлаш юзасидан ихтиёрий ишларни ташкил этишда кўмаклашади; 12-модда. Фуқаролар йиғинининг кенгаши: ёкилғи, электр ва иссиқлик энергияси ҳамда сувдан тежамли фойдаланиш ва уларнинг беҳуда сарфланишини камайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказди: тегишли ҳудуддаги ерларнинг фойдаланилиши ва муҳофаза этилиши устидан жамоатчилик назоратини

		амалга оширади; ёнгинга қарши хавфсизлик талабларига, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашади.
3.	Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни	15-модда. Фуқаролар соғлиққа таъсир этувчи омиллар ҳақида, шу жумладан яшаш ҳудудининг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлиги тўғрисида, овқатланишнинг оқилона нормалари хусусида, товарлар, ишлар, хизматлар, уларнинг хавфсизлиги, санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида ўз вақтида ва аниқ ахборот олиш ҳуқуқига эга.
4.	Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Қонуни	Ушбу Қонун санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини ва радиация хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади, одамнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳамда у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқларини ва уларни амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлайди. Давлат санитария назорати бу санитария қонунларини бузилишини олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган санитария-эпидемиология хизматининг фаолиятidir. 4-модда. Ҳар бир одам қулай атроф муҳит шароитларига эга бўлишга ҳақли. 5-модда. Ҳар бир киши касалликлар, эпидемия ва радиация вазияти, атроф муҳитнинг ҳолати ҳамда уларнинг одамлар саломатлигига таъсири ҳақида, шунингдек гигиена соҳасидаги ва махсус ўтказилган бошқа экспертизалар ҳақида ҳаққоний маълумот олиш ҳуқуқига эга. 6-модда. Ҳар бир одам атроф муҳитнинг зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа омиллари, шунингдек сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ва бошқа саноат буюмлари таъсирида ўзига етказилган зарарнинг ўрнини тўлатиб олишга ҳақлидир. 7-модда. Давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахсларнинг санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлашга доир мажбуриятлари белгиланган тартибда тасдиқланган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя

		этишлари; давлат санитария назоратини амалга ошираётган идоралар, муассасалар, мансабдор шахсларга рўй берган авариялар, санитария-эпидемия, радиация вазияти тўғрисида ҳаққоний ва тўла-тўқис ахборот беришлари шарт.
5.	Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни	3-модда. Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад: инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш; экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш; табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолишдир. 5-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. 12-модда. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўриляётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши шарт. 27-модда. Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси жамоат бирлашмаларининг ташаббусига кўра уларнинг маблағлари ҳисобидан ёки жамоатчилик асосида мутахассисларнинг мустақил гуруҳлари томонидан амалга оширилади. Жамоатчилик асосидаги экология экспертизасининг хулосалари тавсия тамойилига эга бўлади. 47-модда. Тубандаги ҳолларда:

		табiiй бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда; атроф табiiй муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табiiй ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда; чиқиндиларни, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда; атроф табiiй муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар.
6.	Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни	11-модда. Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва ишга туширишда, янги технологик жараёнларни жорий этишда аҳолининг соғлиғини сақлаш ва ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини ҳамда маиший эҳтиёжларини биринчи навбатда қондириш талабларига риоя этган ҳолда сувдан оқилона фойдаланиш, шунингдек коллектор-дренаж сувларини ва оқинди сувларни чиқариб юборишнинг қулай режими таъминланиши лозим. Бунда сув объектларидан олинадиган ва шу объектларга қайтариладиган сувни ҳисобга олишни, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашни, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олишни, ерларнинг сув босишини имкон қадар камайитишни, ерларни шўрланишдан, зах босишдан ёки қакраб қолишдан муҳофаза қилишни, шунингдек қулай табiiй шароитлар ва ландшафтларни сақлаб қолишни таъминловчи тадбирлар назарда тутилади. 12-модда. Балиқчилик хўжалиги сув ҳавзаларида янги ва таъмирланган корхонлар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва ишга тушириш чоғида (...) балиқ захираларига етказилаётган зарарнинг ўрнини қоплаш, бошқа сув ҳайвонлари ва ўсимликларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни асраш, қайта тиклаш ва

		кўпайтиришни таъминлайдиган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш лозим. 17-модда. Сув объектларида, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, сохил бўйи минтақаларида ва санитария муҳофазаси зоналарида, ер ости сувлари ҳосил бўладиган ҳудудларда сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи қурилиш, таъмирлаш, тиклаш, ўзан тубини чуқурлаштириш ва портлатиш ишлари, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва сув ўсимликларини олиш, кабеллар, қувурлар ҳамда бошқа коммуникацияларни ўтказиш, дарахтларни кесиш, бурғилаш, қишлоқ хўжалиги ишлари ва ўзга ишлар қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология ва минерал ресурслар органлари ва бошқа органлар билан келишилган ҳолда бажарилади.
7.	Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни	6-модда. Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда бепул амалга оширилади. Ўсимлик дунёси объектлари махсус фойдаланишга ишлаб чиқариш фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун ҳақ эвазига юридик ва жисмоний шахсларга рухсатномалар асосида бериб қўйилади. 7-модда. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш турлари қуйидагилардан иборат: - чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотини тайёрлаш; - чорва молларни ўтлатиш; - ўсимлик дунёси объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш; - ёввойи ўсимликлар техник хом ашёсини тайёрлаш; - ёввойи ўсимликлар доривор хом ашёсини тайёрлаш; - ёввойи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун тайёрлаш (йиғиш); - дарахт ва буталарни кесиш; - ўсимлик дунёси объектларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш; - ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш; - ўсимлик дунёси объектларидан табиатни муҳофаза

		килиш мақсадларида фойдаланиш. 15-модда. Ўрмон фонди ерларида дарахт ва буталарни кесиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган рухсатномалар бўйича амалга оширилади. Ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни кесишга фақат санитария мақсадларида ҳамда бинолар, иншоотлар ва коммуникациялар қурилиши билан боғлиқ ҳолдагина маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган қарорига биноан йўл қўйилади. 24-модда. Ўсимлик дунёси ўсадиган муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш, янги технологияларни жорий этиш, геология-қидирув ишларини ўтказиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, чорва моллар ўтлатиладиган ҳамда қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ҳайдаб ўтиладиган жойларни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси билан келишиб олиниши шарт. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, уларнинг ўсишини тезлаштирувчилар, минерал ўғитлар ва бошқа дориларни қўлланиш пайтида ўсимлик дунёси объектлари ва улар ўсадиган муҳитни муҳофаза қилиш талаблари ҳисобга олиниши зарур. Юридик ва жисмоний шахслар ёввойи ўсимликлар нобуд бўлишининг ва улар ўсадиган муҳит ёмонлашишининг олдини олиш мақсадида мазкур дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларига риоя этишлари шарт. 28-модда. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар. Юридик ва жисмоний шахслар ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда қоплашлари шарт. Зарарни қоплаш айбдорларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.
8.	Ўзбекистон	5-модда. Фуқаролар ва жамоат бирлашмалари:

	Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни	Ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширадилар; хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурлари рўёбга чиқарилишига кўмаклашадилар; жамоатчилик назоратини амалга оширадилар; экология соҳасида жамоатчилик экспертизасини ўтказадилар; хайвонот дунёсига ва унинг яшаш муҳитига етказилган зарарни қоплаш масаласини қўядилар. 11-модда. Ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланишга оид асосий талаблар қуйидагилардан иборат: хайвонларнинг яшаш муҳитини, урчиш шарт-шароитларини ва кўчиб юриш йўлларини сақлаб қолиш; хайвонот дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва такрор етиштириш; аҳоли соғлиғини сақлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида ҳайвонот дунёси объектларининг миқдорини тартибга солиш. 34-модда. Аҳоли пунктлари, корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш ҳамда қуриш, мавжуд технология жараёнларини такомиллаштириш ва янгиларини жорий этиш, ботқоқлашган ва бутазор ҳудудларни хўжалик оборотига киритиш, ерларни мелиорациялаш, ўрмондан фойдаланиш, геология-қидирув ишларини ўтказиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, қишлоқ хўжалик молларини ўтлатиш ва ҳайдаб ўтиш жойларини аниқлаш, сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш ва аҳоли оммавий дам оладиган жойларни ташкил этиш пайтида ҳайвонларнинг яшаш муҳитини ҳамда уларнинг урчиш шароитларини сақлаб қолиш тадбирлари назарда тутилиши ва амалга оширилиши, шунингдек ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити сифатида алоҳида қимматга эга бўлган участкаларнинг дахлсизлиги таъминланиши лозим.
9.	Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги Қонуни	6-модда. Қуйидагилар давлат ўрмон фондига кирмайди: қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардаги дарахтлар ва тўп-тўп дарахтлар, экинзорларнинг ихота дарахтзорлари, шунингдек бошқа дарахтзорлар ва бутазорлар; темир йўл, автомобиль йўллари, каналлар ва

		бошқа сув объектларининг ажратилган минтақаларидаги ихота дарахтзорлари; томорқалардаги ва боғ участкаларидаги дарахтлар ҳамда тўп-тўп дарахтлар. қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
10.	Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуни	1-модда. Экологик экспертиза деганда режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш тушунилади. 4-модда. Экологик экспертиза давлат ва жамоат экологик экспертизаси, шунингдек экологик аудит тарзида амалга оширилади. 5-модда. Экологик экспертизанинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: холислик; асослик; экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги; ҳар қандай режалаштирилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятининг эҳтимол тутилган экологик хавфлилик презумпцияси; хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг атроф табиий муҳитга ва фуқаролар соғлиғига таъсирини баҳолашнинг комплекслиги. 23-модда. Жамоат экологик экспертизаси экологик асосланиши тақозо этиладиган ҳар қандай фаолият соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин. Жамоат экологик экспертизасини амалга оширишга тўсқинлик қилиш тақиқланади. Жамоат экологик экспертизаси давлат экологик экспертизаси ўтказилишидан қатъий назар амалга оширилиши мумкин. Жамоат экологик экспертизасининг хулосаси тавсия хусусиятига эга бўлади.

Қонунчиликдаги янгиликлар, айниқса, атроф табиий муҳит муҳофазаси масалаларига доир қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш ёшларнинг экологик билим ва кўникмаларининг ошишида, экологик тафаккур ва онгининг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

7. Экологик саналар

- 11 январь – Бутунжаҳон қўриқхона ва миллий боғлар куни
- 2 февраль – Бутунжаҳон сув-ботқоқ ҳудудлари куни
- 14 март – Тўғонларга қарши Халқаро ҳаракатлар куни
- 21 март – Халқаро ўрмон куни
- 22 март – Бутунжаҳон сув ресурслари куни (Сув куни)
- 23 март – Бутунжаҳон метеорология куни
- 1 апрель – Халқаро қушлар куни
- 7 апрель – Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш куни
- 15 апрель – Экологик билимлар куни
- 15 апрелдан 5 июнгача – Атроф-муҳитни экологик хавф-хатардан ҳимоя қилиш кунлари
- 18-22 апрель – Боғлар марши кунлари
- 22 апрель – Бутунжаҳон Ер куни
- 28 апрель – Кимёвий хавф-хатардан инсон ҳуқуқлари учун кураш куни (Кимёвий хавфсизлик куни)
- 1-10 май – Қушларни кузатиш бўйича баҳорий ўн кунлик
- 3 май – Қуёш куни
- 15 май – Халқаро иқлим куни
- 15 майдан 15 июнгача – Кичик дарёлар ва сув ҳавзаларини ҳимоя қилиш бўйича ҳаракат кунлари
- 22 май – Биологик хилма-хилликни асраш Халқаро куни
- 31 май – Бутунжаҳон тамаки чекишга қарши куни
- 5 июнь – Бутунжаҳон атроф-муҳит куни
- 17 июнь – Бутунжаҳон чўлланишга ва қургўқчиликка қарши кураш куни
- 27 июнь – Бутунжаҳон балиқчилик куни
- 11 июль – Халқаро аҳоли куни
- 2 август – Ўзбекистон экологик ҳаракати ташкил топган кун
- 11 сентябрь – Бутунжаҳон Ёввойи табиат жамғармаси ташкил этилган кун (WWF)
- 15 сентябрь – Гринпис ташкил этилган кун
- 16 сентябрь – Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш куни
- 27 сентябрь – Халқаро туризм куни
- Сентябрь (учинчи якшанба) – Ўрмон ходимлари куни
- Ойнинг биринчи дам олиш кунлари – Қушларни кузатиш бўйича халқаро кунлар
- 4 октябрь – Бутунжаҳон ҳайвонларни ҳимоя қилиш куни
- 5 октябрь – Халқаро Табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи ташкил этилган кун (1990 йилдан Бутунжаҳон Табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи)
- 6 октябрь – Бутунжаҳон табиий яшаш муҳитини ҳимоя қилиш куни
- 16 октябрь – Бутунжаҳон озиқ-овқат куни
- 15 ноябрь – Иккиламчи қайта ишлаш куни
- 3 декабрь – Халқаро пестицидларга қарши курашиш куни